

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ  
ИНСТИТУТИ**

**БОРОТОВ АТҲАМ НУРМУҲАММАДОВИЧ**

**БАЛИҚЧИЛИКДА КЎК ПОЯЛИ ОЗУҚАЛАРНИ ҚИРҚИБ МАЙДАЛАШ  
ҚУРИЛМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Боротов Атхам Нурмухаммадович**

Балиқчиликда кўк пояли озукаларни қирқиб майдалаш қурилмаси  
параметрларини асослаш..... 3

**Боротов Атхам Нурмухаммадович**

Обоснование параметров измельчающего устройства для приготовления  
кормов в рыбоводстве..... 21

**Borotov Atxam Nurmuxammadovich**

Justification of the parameters of the grinding device for the preparation of feed in  
fish farming ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ  
ИНСТИТУТИ**

**БОРОТОВ АТХАМ НУРМУХАММАДОВИЧ**

**БАЛИҚЧИЛИКДА КЎК ПОЯЛИ ОЗУҚАЛАРНИ ҚИРҚИБ МАЙДАЛАШ  
ҚУРИЛМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/T1992 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.tiame.uz](http://www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Астанакулов Комил Дулшиевич**  
техника фанлари доктори, профессор.

**Расмий ошпонентлар:**

**Маматов Фармон Муртазович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Нуритов Икром Ражабович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**АЖ «ВМКВ-Agromash»**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «18» сентябр соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (192 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871)237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертация автореферати 2021 йил «4» сентябр кuni тарқатилди.  
(2021 йил «4» сентябр № 60 рақамли ресстр баённомаси).



**Б.С. Мирзаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**У.Т. Қузиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

**А.А. Ахметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда балиқчиликни ривожлантириш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун юқори самарали ҳамда ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида 179,0 млн. тонна балиқ ва денгиз маҳсулотлари етиштирилиб, шундан 32 фоизи ҳавзаларда боқилган балиқ эканлигини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, ҳавзада балиқ боқишда уларда ёғ йиғилишини камайтириб, ўсиб ривожланишини тезлаштириш мақсадида бериладиган кўк ўтлардан тайёрланадиган қўшимча озуқаларни сифатли майдалаб берадиган машина ва қурилмаларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан балиқларга кўк ўтларни майдалаб озуқа тайёрлаш учун иш сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор майдалагич қурилмалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда балиқ боқишда самараси юқори бўлган турли хил озуқа маҳсулотларини тайёрлаш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда жумладан, балиқларга, айниқса ўтхўр балиқларга нормал ўсиб ривожланишини таъминлаш учун кўк ўтлардан витаминли озуқаларни тайёрлаш, ҳавзалар табиий шароити ва уларда боқиладиган балиқларнинг биологик хусусиятларини ҳамда балиқларга бериладиган озуқаларга қўйиладиган талабларни инобатга олган ҳолда қўшимча озуқалар билан боқиш усулларини такомиллаштириш, озуқа тайёрлашда унинг исроф бўлишини олдини олиш имконини берадиган қурилмаларни ишлаб чиқиш, тайёрланадиган озуқаларнинг маҳсулдорлигини оширадиган технологияларни яратиш долзарб ҳисобланади. Бу борада, балиқларга кўк ўтлардан тайёрланадиган сервитамин озуқаларни талаб этилган ўлчамда майдалаб беришни амалга оширадиган майдалагич қурилмани ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик жараёни, параметрлари ва иш режимларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда балиқ етиштиришда меҳнат ҳамда моддий ресурслар сарфини камайтириш, озуқаларни тежаш имконини берадиган юқори самарали техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, балиқларга кўк ўтлардан қўшимча озуқалар тайёрлашда уларни белгиланган ўлчамлар бўйича

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/faostat/#>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

сифатли майдалаб берадиган, конструкцияси модернизациялашган, кам металл ва энергия талаб этадиган майдалагичларни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сон «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот йўналиши республика фан ва технологиялар ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кўк пояли озуқаларни майдалаш ва тайёрлаш усуллари ҳамда қурилмаларини яратиш, уларнинг иш кўрсаткичларини тадқиқ этиш ва параметрларини асослаш бўйича ҳорижда В.А.Желиговский, Е.С.Босой, Н.Е.Резник, С.В.Мельников, W.J.Chancellor, M.J.Odogherty, Y.Jekendra, А.А.Зеленев, В.А.Фомин, Т.Абилжанов, P.Savoie, S.A.Marey, Z.E.Ismail, A.Elfatih, G.Sitkey, A.Bochat, M.Zastempovskiy ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Республикада дағал ва бошқа турдаги озуқаларни майдалаш усуллари ва техника воситалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари К.Астанақулов, Д.Алижанов, Ф.Каршиев, Н.Қурбонов ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Олиб борилган ушбу тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган майдалаш усуллари ҳамда уларни амалга оширадиган машиналар ва қурилмалар қишлоқ хўжалигида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо, мазкур тадқиқотларда балиқчиликда озуқа тайёрлаш учун кўк пояли озуқаларни кам сарф-ҳаражатлар билан сифатли майдалаб берадиган қурилмани ишлаб чиқиш ва унинг ишчи қисмлари параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация ишининг мавзуси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №1/2018 «Балиқчилик учун кўк ҳолдаги озуқаларни майдалаш қурилмасини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар бериш» ва №27/2020 «Балиқчиликда озуқа тайёрлаш учун майдалаш қурилмасининг схемасини ишлаб чиқиш» мавзуларидаги хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кўк пояли озуқаларни балиқлар учун белгиланган талаблар даражасида кам сарф-ҳаражатлар билан майдалаб берадиган қурилмани

ишлаб чиқиш ҳамда унинг параметрлари ва иш режимларини асослашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

кўк пояли ҳар хил турдаги озуқаларни майдалайдиган мавжуд майдалагичлар конструкциясини таҳлил қилиш ва тадқиқотлар йўналишини асослаш;

ишлов бериладиган объект сифатида кўк пояли озуқаларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш;

кўк пояли озуқаларни белгиланган талаб даражасида майдалашни амалга оширадиган кичик ўлчамли майдалагич ишчи қисмларини ишлаб чиқиш ва унинг параметрлари ва иш режимларини асослаш учун назарий ва тажрибавий тадқиқотлар олиб бориш;

асосланган параметрларга эга ишчи қисмлар билан жиҳозланган майдалагичнинг иш сифати, энергетик кўрсаткичлари ҳамда техник–иқтисодий самарасини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** беда, маккажўхори ва бошқа экинларнинг кўк ҳолдаги поялари, кўк пояли озуқаларни майдалаш қурилмаси ва унинг ишчи қисмлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** кўк пояли озуқаларни балиқлар учун майдалайдиган қурилма ишчи қисмларининг поя ва унинг таркибидаги қўшилмалар билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ифодаловчи математик моделлар ва уларнинг параметрларини аниқлаш имконини берадиган аналитик боғланишлар, қурилма параметрлари ва иш режимларига боғлиқ ҳолда иш кўрсаткичларининг ўзгариш қонуниятларидан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида математикавий таҳлил ва ҳисоблаш қоидалари, назарий механика қонуниятлари, олинган натижаларга статистик ишлов бериш усуллари, озуқаларни майдаланиш даражасини аниқлашда ғалвирли классификациялаш, бир омилли тажрибалар ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий хужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

балиқчиликда кўк пояли ўтлардан озуқа тайёрлашда қўлланиладиган ишчи сирти гофрланган узаткич жўваларга ва қирқиладиган пояларга нисбатан қия ҳолда жойлашган пичоқларга эга майдалаш қурилмасининг конструкцияси ишлаб чиқилган;

узаткич жўваларнинг диаметри ва айланишлар сони кўк пояли озуқаларни қамраб олиш ва уларни талаб этилган ўлчамда майдалашни таъминлаш шарти асосида жўвалар орасидан ўтаётган пояларни майдалагич барабанга узатиш тезлиги ва миқдорига боғлиқ ҳолда аниқланган;

майдалагич барабаннинг айланишлар сони узаткич жўваларнинг айланишлар сонига мутаносиб ҳолда қия ҳолатда узатилаётган пояларни керакли ўлчамда қирқишни таъминлаш асосида асосланган;

қурилма жўвалари томонидан узатилаётган пояларнинг пичоқ билан ўзаро таъсирлашиши ва уларнинг қирқилгандан сўнг пичоқ бўйлаб ҳаракати ва ирғитилишининг моҳияти очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кўк пояли озуқаларни талаб этиладиган майда ўлчамда қирқиб берадиган майдалагич қурилма ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган қурилма кўк пояли озуқаларни майдалашда талаб этилган майдалаш сифатини таъминлаши билан бирга талаб этадиган қуввати, металл ва материал ҳажмдорлигининг камлиги ҳисобига энергия ва ресурс сарфининг камайиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларини ишончлилиги.** Изланишларнинг замонавий ва самарали услуб ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, майдалагич қурилманинг параметрлари ва иш режимларини назарий жиҳатдан асослаш, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, ишлаб чиқилган қурилма синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўк пояли озуқаларни майдалаш қурилмасининг асосланган технологик иш жараёни, олинган механик-математик моделлар ва аналитик боғланишлар кўк пояли озуқаларни майдалаш қурилмаларига доир мавжуд илмий билимларни бойитиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган майдалагич қурилманинг балиқчиликда кўк пояли ўтлардан майдалаб қўшимча озуқа тайёрлаш сифатининг оширилиши ва фойдаланиш харажатларининг камайишини таъминлаши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Балиқчиликда кўк пояли озуқаларни қирқиб майдалаш қурилмаси параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

балиқчилик учун кўк пояли озуқаларни майдалаш қурилмасига дастлабки талаблар тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 8 сентябрдаги 02/023-2831-сон маълумотномаси). Натижада, кўк пояли озуқаларни майдалайдиган иш сифати юқори, энергия-ресурстежамкор қурилманинг конструкциясини ишлаб чиқиш имконияти яратилган;

кўк пояли озуқаларни майдалаш қурилмаси Наманган вилояти Уйчи тумани, Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани ва Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 8 сентябрдаги 02/023-2831-сон маълумотномаси). Натижада мавжуд қурилмаларга нисбатан фойдаланишдаги тўғридан-тўғри харажатлар 1,2 мартагача камайишига эришилган;

балиқларга кўк ҳолдаги озуқаларни қирқиб майдалаб берадиган қурилмани ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техникавий шартлар ва чизмалар) «ВМКВ-Агромаш» АЖда лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 8 сентябрдаги 02/023-2831-сон маълумотномаси). Натижада, кўк ҳолдаги озуқаларни талаб этилган майда ўлчамда майдалаб берадиган, кам металл ва материалҳажмдорликка эга қурилмани ишлаб чиқариш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та



халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига фойдали моделга патент олиш учун 1 та талабнома жўнатилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Масаланинг ҳолати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида мамлакатимизда балиқ етиштириш ва боқишнинг бугунги ҳолати, балиқларга кўк ўтлардан тайёрланадиган қўшимча озуқаларни майдалашга қўйиладиган талаблар, кўк пояли озуқаларни майдалашда қўлланиладиган қирқиб-майдалагичлар таҳлили ҳамда озуқа майдалаш аппаратлари ва қурилмаларининг шарҳи келтирилган, озуқаларни қирқиб майдалашга оид илмий-тадқиқот ишларининг таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган.

Диссертациянинг «**Кўк пояли озуқаларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида кўк пояли озуқаларнинг физик-механик хоссаларини ўрганишга оид умумий маълумотлар, кўк пояли озуқаларнинг ўлчам-масса кўрсаткичлари, пояларнинг ишқаланиш хоссаларини ўрганиш, маккажўхори ва беда пояларининг зичлиги ва пояларнинг механик қаттиқлиги ва қирқишга қаршилиқ кучини аниқлашга доир тадқиқот натижалари келтирилган.

Кўк ҳолдаги маккажўхори ва беда пояларини майдалашда уларнинг морфологик таркиби муҳим ҳисобланиб, маккажўхорининг 84,2 фоизини поялар, 14,7 фоизини барглар ва 1,1 фоизини рўваклар ташкил этса, беданинг 34,8 фоизини поя, 25 фоизини шохлари ва 40,2 фоизини барглари ташкил этади. Маккажўхори пояларининг ўртача узунлиги 179,8 см, диаметри қуйи қисмида ўртача 21,5 мм, ўрта қисмида 17,6 мм ва юқори қисмида 9,6 мм га тенг бўлиб, пастки қисмига нисбатан мос равишда 1,2 ва 2,2 мартага фарқ қилса, беда пояларининг ўртача узунлиги эса 72,7 см, диаметри поянинг қуйи қисмида

ўртача 2,6 mm, ўрта қисмида 2,2 mm ва юқори қисмида 1,2 mm га тенг бўлиб, қуйи қисмига нисбатан 1,1 ва 2,0 мартага фарқ қилади. Майдаланадиган маккажўхори пояларининг ишқаланиш бурчаги поянинг кўндаланг ҳаракатида ўртача  $29^\circ$  ни, бўйлама ҳаракатида  $32^\circ$  ни ташкил этгани ҳолда, умумий қийматлар соҳаси  $25-34^\circ$  ва  $29-38^\circ$  оралиғида ўзгариб деярли бир-биридан фарқ қилмаса, беда поясида кўндаланг ҳаракат йўналишида ўртача  $34^\circ$  ни, бўйлама ҳаракат йўналишида  $36^\circ$  ни ташкил этгани ҳолда, қийматлари  $26-42^\circ$  ва  $32-44^\circ$  оралиғида ўзгариб, икки кўрсаткич бир-биридан 1,4 ва 1,6 мартага фарқ қилади. Пояларнинг зичлиги маккажўхорида  $146,7 \text{ kg/m}^3$  ни, бедада  $135,2 \text{ kg/m}^3$  ни ташкил этади. Уларнинг вариация коэффиценти ўзгармади, ўртача квадратик четлашиши 5,4-5,8 оралиғида бўлди. Бунда беда пояларининг зичлиги маккажўхори пояларининг зичлигидан 1,1 мартага кўпроқ эканлиги маълум бўлди. Пояларни қирқиш кучи уларнинг қалинлигига боғлиқ бўлиб, маккажўхори пояларида қуйи қисмда – 18,0 N, ўрта қисмда – 14,3 N ва юқори қисмида – 11,5 N, беда пояларида қуйи қисмида 3,2 N, ўрта қисмида 2,8 N ва юқори қисмида 1,7 N га тенг ва пояларнинг қуйи қисмида қирқиш кучи ўрта ва юқори қисмига нисбатан 1,5-1,8 мартага катта бўлади.

Диссертациянинг «Кўк пояли озуқаларни майдалагич қурилманинг параметрлари ва иш режимларини назарий тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида дастлаб майдалагич қурилмада кўк пояларни майдалаш конструкцияси ва технологик схемаси ишлаб чиқилган (1-расм).



1-узатиш нови; 2,9-таъминлагич жўвалар; 3- кўзғалмас пичоқ; 4-майдалагич барабани; 5-пичоқ; 6-чиқиш қузури; 7-рама; 8-электродвигатель

### 1-расм. Кўк пояли озуқаларни майдалаш қурилмасининг схемаси


Кўк пояли озуқаларни майдалаш қурилмасининг иш жараёни қуйидагича кечади.

Майдалашга мўлжалланган кўк поялар узатиш нови 1 орқали таъминлагич жўвалар 2 ва 9 га етказиб берилади. Таъминлагич жўвалар пояларни маълум бир тезликда майдалагич барабани 4 га узатади. Барабан ўз навбатида пояларни пичоқлари 5 ёрдамида поя кесадиган кўзғалмас пичоқ 3 устида қирқади. Қирқилган поя бўлақлари пичоқ 5 нинг орқа ирғиткич қисми ёрдамида чиқиш қузури 6 орқали ташқарига чиқариб юборилади. Майдалагич қурилма ҳаракатни электродвигател 8 дан тасмали узатмалар орқали олади.

Кўк пояли озуқаларни майдалашда уларнинг керакли ўлчамдаги узунликда қирқиб бериш имконияти мавжуд. Бу қурилмани иш жараёнида атроф муҳити ва экологияни бузилишига таъсир кўрсатмайди.

**Узатиш новининг параметрларини аниқлаш.** Қурилма иш жараёнида кўк пояли озуқалар таъминлагич жўвага ва ундан майдалагич барабанга нов орқали узатилади. Озуқаларни узатиш ва майдалаш жараёнига новнинг шакли, узунлиги  $L_n$ , эни  $B_n$  ва қиялик бурчаги  $\alpha_{y3}$  таъсир этади.

Озуқа майдалагичга пояли озуқаларни кўлда узатиладиган мавжуд қурилмалар иш жараёнининг таҳлилига кўра, озуқаларни узатиш қулай бўлиши учун узатиш новининг эни бошланғич қисмида кенгроқ бўлиши, охириги қисмига томон торайиб бориб, охирида майдалагич қурилма иш унумига мос озуқани ўтказиб бериш имконига эга бўлиши керак (2-расм).



2-расм. Узатиш новининг ўлчамларини аниқлашга доир схема

Новнинг олд қисми эни

$$B_k = B_n + 2L_n \operatorname{tg} \alpha_c \quad (1)$$

бунда  $B_n$  – узатиш новининг озуқани майдалашга киритиш қисми эни, м;

$L_n$  – узатиш новининг узунлиги, м;

$\alpha_c$  – узатиш нови четки қисмини суйрилик бурчаги, град.

Узатиш новининг узунлиги

$$L_n \geq l_n^{\min} \quad (2)$$

бунда  $l_n^{\min}$  – майдаланадиган озуқа таркибидаги энг кичик поялар узунлиги, м.


Узатиш новининг озуқани майдалашга киритиш қисми эни

$$B_n = \frac{q}{h \rho \kappa_{y3} V_{y3}} \quad (3)$$


Майдалагичнинг дастлабки талабларда белгиланган  $q = 0,142 \text{ kg/s}$  иш унумини таъминлаш учун майдалашга узатилаётган озуқанинг қалинлиги  $h = 2 \text{ cm}$ ; майдалашга узатилаётган озуқанинг зичлиги  $\rho = 118,2 \text{ kg/m}^3$ ; озуқани узатишнинг даврийлигини ҳисобга олувчи коэффициент  $\kappa_{y3} = 0,5-0,8$ ; озуқани узатиш тезлиги  $V_{y3} = 0,4-0,5 \text{ m/s}$  бўлганда майдаланадиган озуқаларни қурилмага ва унинг таъминлагич жўваларига қулай ва кам қаршилик билан узатиш учун узатиш новининг узунлиги 65 см, новнинг олд қисми эни 40 см, таъминлагич

жўваларга туташ қисми эни 20 см, новнинг қиялиги  $27^\circ$  бўлиши керак.

**Кўк пояли озуқаларнинг таъминлагич жўвалар томонидан қабул қилиб олинishi ва майдалагич барабанга узатилиши.** Майдалагич қурилманинг иш жараёнида қия нов орқали узатилган кўк пояли озуқалар таъминлагич жўвалар орқали қабул қилиб олиниб, майдалагич барабанга бир текис узатилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли таъминлагич жўваларнинг иши тадқиқ этилди (3,4-расмлар).



**3-расм. Майдаланадиган озуқани иш сирти текис жўвалар билан қабул қилиб олинishi**




**4-расм. Кўк пояли озуқаларнинг иш сирти гофрли жўвалар билан қабул қилиб олинishi**

Жўваларнинг гофрлар бўйича диаметри

$$D_{жс} \leq \frac{(h^2 + 2hr_2) \cos \alpha - (S_{жс} - h_2)(h + 2r_2)}{(h + 2r_2)(1 - \cos \alpha)} \quad (4)$$

Агар гофрларнинг баландлиги  $h_2=1$  см; майдалашга узатилаётган озуқанинг қалинлиги  $h=2$  см; жўвалар орасидаги тирқиш  $S_{жс}=1$  см; гофрларнинг радиуси  $r_2=1$  см; қабул қилиш бурчаги  $\alpha=35-40^\circ$  бўлса, жўваларнинг диаметри  $D_{жс} \leq 6,5$  см бўлиши керак.

**Майдалагич барабан пичоғининг параметрларини аниқлаш.** Майдалаш барабан пичоғининг асосий параметрлари унинг ўрнатилиш бурчаги  $\beta$ , пичоқ тиғининг чархланиш бурчаги  $\gamma$ , фаскасининг эни  $v_\phi$ , орқа ўрнатилиш бурчаги  $\theta$  ва қирқиш бурчаги  $\psi_\kappa$  ҳамда қалинлиги  $\delta$  ва пичоқ эни  $b_n$  ҳисобланади (5-расм).



5-расм. Пичоқ параметрларини аниқлашга доир схема

Пичоқ тиғ фаскасининг эни

$$e_{\phi} = \frac{\delta}{\sin \gamma} \quad (5)$$

Пичоқни ўрнатилиш бурчаги


$$\sin \beta = \frac{R_0^2 + e_{\phi}^2 - \left( R_0 - e_{\phi} \cdot \frac{V_{y3}}{V_0} \right)^2}{2R_0 e_{\phi}} \quad (6)$$

бунда  $R_0$  – майдалагич барабан радиуси, м;  $e_{\phi}$  – тиғ фаскасининг эни, м;

$V_{y3}$  – пояларни узатиш тезлиги, м/с;  $V_0$  – барабан тезлиги, м/с.

Агар майдалагич барабан радиуси  $R_0=100$  мм; барабан тезлиги  $V_0=15,5$  м/с; пояларни узатиш тезлиги  $V_{y3}=0,4-0,5$  м/с бўлса, кўк ҳолдаги озуқаларни майдалашда пичоқ тиғининг чархланиш бурчаги  $\gamma=25^\circ$ , қалинлиги  $\delta=3$  мм, тиғ фаскасининг эни  $e_{\phi}=7,1$  мм, ўрнатилиш бурчаги  $\beta=15^\circ$  оралиғида бўлиши мақсадга мувофиқ.

**Майдалагич барабан ва узатувчи жўва параметрларининг ўзаро мутаносиблиги.** Майдалагич барабан ўқининг кўзгалмас пичоқга нисбатан жойлашишини аниқлаш учун қуйидаги схема таҳлил этилади.



6-расм. Барабан ўқига нисбатан пичоқ жойининг кўзгалмас пичоқ (1) га нисбатан жойлашишига қараб пичоқ тиғининг қирқиладиган поя массаси бўйлаб траекторияси

6-расмдаги схеманинг таҳлили шуни кўрсатадики, барабан 2 ўқи I ва II ҳолатдаги сингари кўзгалмас пичоқдан пастда жойлашганда пичоқ пояларни орқага қайтарадиган таъсирга эга бўлиб қолади. Бу иш жараёнда қаршиликнинг ортишига олиб келади.

III ва IV ҳолатда барабан ўқи кўзгалмас пичоқ 1 га нисбатан  $\Delta h$  масофада юқорида жойлашганда эса пичоқ пояларни ўзига томон тортишга хизмат қилади ва фойдали эффект ҳосил бўлади.

**Майдалагич барабан ва узатувчи жўва параметрларининг ўзаро мутаносиблиги, қирқиш узунлигини таъминлаш.** Поя қия қирқилганда унинг катта диагонали  $d_{кат}$  поянинг зоотехник талаблар билан белгиланган қирқиш узунлиги  $l_{бел}$  дан катта бўлмаслиги керак

$$d_{кат} \leq l_{бел}. \quad (7)$$

Поя қия қирқилганда унинг катта диагонали

$$d_{кат} = \sqrt{(c + l_{хис})^2 + h^2}. \quad (8)$$

(8) ифодадаги ҳисобий қирқиш узунлиги  $l_{хис}$  қуйидагига тенг

$$l_{хис} = \frac{60 \cdot V_{юз}}{n_{\sigma} N_n}, \quad (9)$$

бунда  $n_{\sigma}$  – барабаннинг айланишлар сони, г/мин;

$N_n$  – барабандаги пичоқлар сони, дона.


Майдалагич барабаннинг айланишлар сони қуйидаги шартдан аниқланади

$$n_{\sigma} \geq \frac{60 \cdot V_{юз}}{N_n \left( \sqrt{l_{бел}^2 - h^2} - \left( \sqrt{R_{\sigma}^2 - \Delta h^2} - \sqrt{R_{\sigma}^2 - a^2} \right) + V_{юз} \left( \arccos \frac{\Delta h}{R_{\sigma}} - \arccos \frac{a}{R_{\sigma}} \right) / \omega \right)}. \quad (10)$$

Поялар 27<sup>0</sup> қия ҳолда узатилганда таъминлагич жўваларнинг айланишлар сони 101-207 г/мин оралиғида, пичоқлар сони 4-6 дона оралиғида бўлганда кўпи билан 10 мм гача қирқиш узунлигини таъминлаш учун майдалагич барабаннинг айланишлар сони 1358 г/мин ва 1478 г/мин дан катта бўлиши керак.

**Қирқилган поя бўлақларининг пичоқ билан ўзаро таъсири ва ирғитилиши.** Поялар майдалагич барабан пичоғи билан қирқилгандан сўнг поя бўлақлари пичоқ билан ташқарига ирғитилади. Бунда қирқилган поя бўлақлари пичоқ билан ўзаро таъсирлашиб, иккита босқичда ҳаракатланади, яъни (7-расм):

- поя бўлақларининг қирқилгандан кейин пичоқ учидан охирига томон ҳаракати (7-расм, а);
- поя бўлақларининг пичоқ охиридан учи томон ҳаракати ва ирғитилиши (7-расм, б).



7-расм. Майдалагич барабан пичоғи билан ўзаро таъсирда бўлган поя бўлагига таъсир этувчи кучлар схемаси

Поя бўлақларининг қирқилгандан кейин пичоқ учидан охирига томон ҳаракатида куйидаги кучлар таъсир этади ва унинг ҳаракат тенгламаси куйидагича бўлади

$$m\ddot{s} = -F_x - F_M \cos\psi - F_{о.к.} \cos\theta - F_{ишқ.}, \quad (11)$$

бунда  $F_x$  – аэродинамик қаршилик кучи, N;

$F_M$  – марказдан қочирма кучи, N;

$F_{ишқ.}$  – ишқаланиш кучи, N;

$F_{о.к.}$  – оғирлик кучи, N.

Агар ишқаланиш кучи  $F_{ишқ.} = f(F_K + F_{о.к.} \sin\theta + F_M \sin\psi)$ , кориолис кучи

$F_K = 2m\omega\dot{s}$ , аэродинамик куч  $F_x = mk_n(\dot{s} + V_x)^2$ , марказдан қочирма куч

$F_M = m\omega^2 O_6 M$ , оғирлик кучи  $F_{о.к.} = mg$  эканлигини ҳисобга олсак, у ҳолда поя бўлақларининг қирқилгандан кейин пичоқ учидан охирига томон ҳаракат тенгламаси куйидагича бўлади

$$\ddot{s} = -k_n(\dot{s} + V_x)^2 - \omega^2 O_6 M \cos\psi - g \cos\theta - f(2\omega\dot{s} + g \sin\theta + \omega^2 O_6 M \sin\psi) \quad (12)$$

бунда  $\ddot{s}$  – поя бўлагининг тезланиши, m/s<sup>2</sup>;

$k_n$  – паруслик коэффиценти, m<sup>-1</sup>;

$\psi$  – жорий радиус йўналиши ва S ўқи орасидаги бурчак, град;

$\theta$  – вертикалга нисбатан S ўқининг оғиши, град;

Поя бўлақларининг пичоқ охиридан унинг учи томон ҳаракат икки хил ҳолатда кўрилади ва уларнинг тенгламаси:

- поя бўлагининг тезлиги ҳавонинг тезлигидан кичик ёки унга тенг, яъни  $|\dot{s}| \leq V_e$  бўлганда

$$m\ddot{s} = F_{ишк} - F_x - F_M \cos\psi - F_{o.k.} \cos\theta, \quad (13)$$

(13) ифода учун (12) ифоданинг охириги ҳолати бошланғич шарт бўлади.

- поя бўлагининг тезлиги ҳавонинг тезлигидан катта, яъни  $|\dot{s}| > V_e$  бўлганда

$$m\ddot{s} = F_{ишк} + F_x - F_M \cos\psi - F_{o.k.} \cos\theta, \quad (14)$$

бунда ишқаланиш кучи  $F_{ишк} = f(F_{o.k.} \sin\theta + F_M \sin\psi - F_k)$  деб олинади.

У ҳолда поя бўлақларининг қирқилгандан кейин пичоқ охиридан унинг учига томон ҳаракат тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

- поя бўлагининг тезлиги ҳавонинг тезлигидан кичик ёки унга тенг, яъни  $|\dot{s}| \leq V_e$  бўлганда


$$\ddot{s} = f(2\omega\dot{s} + g \sin\theta + \omega^2 O_o M \sin\psi) - k_n (\dot{s} + V_x)^2 - \omega^2 O_o M \cos\psi - g \cos\theta \quad (15)$$

- поя бўлагининг тезлиги ҳавонинг тезлигидан катта, яъни  $|\dot{s}| > V_e$  бўлганда

$$\ddot{s} = f(2\omega\dot{s} + g \sin\theta + \omega^2 O_o M \sin\psi) + k_n (\dot{s} + V_x)^2 - \omega^2 O_o M \cos\psi - g \cos\theta \quad (16)$$

(12), (15) ва (16) ифодалар майдалагич барабан пичоқлари билан қирқилган поя бўлақларининг ўзаро таъсири натижасида поя бўлагининг пичоқ бўйлаб силжиши ва ундан ирғитилишига таъсир этувчи катталиқлар орасидаги боғланишни ифодалаб беради.


(12), (15) ва (16) ифодаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, майдаланаёган маҳсулот бўлақларининг майдалагич ичидаги ҳаракати асосан барабан радиуси ва тезлигига боғлиқ экан (8, 9-расмлар).



1-барабаннинг радиуси 75 mm; 2-барабаннинг радиуси 100 mm; 3-барабаннинг радиуси 125 mm; ва 4-барабаннинг радиуси 150 mm

8-расм. Поя бўлагининг пичоқ бўйлаб силжишининг вақт давомида ўзгариши





1-барабаннинг радиуси 75 mm; 2-барабаннинг радиуси 100 mm; 3-барабаннинг радиуси 125 mm; ва 4-барабаннинг радиуси 150 mm

**9-расм. Поя бўлагининг пичоқ бўйлаб силжишидаги тезлигининг вақт давомида ўзгариши**

Юқоридаги ифодалардан фойдаланиб, қирқилган поя бўлакларининг пичоқ бўйлаб ҳаракати давомида силжиши ва тезлигининг ўзгариши ҳисоблаб чиқилди ва натижалар график кўринишда 8 ва 9-расмларда тасвирланди.


Барабаннинг радиуси 75, 100, 125 ва 150 mm бўлганда қирқилган поя бўлагининг пичоқ бўйлаб унинг таъсирида ҳаракат тезлигининг вақт давомида ўзгариши шуни кўрсатадики, поя бўлаклари пичоқ бўйлаб унинг юқори қисми томон ҳаракати давомида тезлиги доимий равишда ортиб боради ва пичоқнинг юқори қисмидан 4,5-6 m/s тезлик билан отилиб чиқади.

Диссертациянинг «**Майдалагич қурилма ишчи қисмларининг параметрлари ва иш режимларини тажрибавий тадқиқ этиш**» деб номланган тўртинчи бобида **Тадқиқотлар дастури ва услуби**. Балиқларга ва бошқа шу каби нозик жониворлар учун кўк пояли озуқаларни майда ўлчамда сифатли қирқиб майдалашнинг мураккаблиги ушбу жараёни амалга оширадиган майдалагич қурилмани фақатгина назарий тадқиқотлар натижалари билан ишлаб чиқиш имконини бермайди. Жараённинг моҳиятини янада яхшироқ очиб бериш ва майдалагичнинг рационал параметрларини аниқлаш учун кенг қамровли тажрибавий тадқиқотлар ҳам олиб бориш керак.

**Майдалагич барабаннинг айланишлар сонини тажрибавий тадқиқ этиш.** Майдалагич барабаннинг айланишлар сони 1500 r/min ва 1750 r/min бўлганда майдаланган озуқаларнинг сифати яхшиланиб, паст айланишлар сонига нисбатан сезилари даражада фарқ қилиши аниқланди ва иш унуми юқори бўлиши нуктаи-назардан майдалагич барабаннинг айланишлар сонини 1500 r/min да ишлатиш яхши самара беради.


**Майдалагич барабаннинг диаметрини тадқиқ этиш.** Кўк пояли озуқаларни майдалашда бир мунча яхши натижалар барабан диаметри 200 mm

бўлганда олинди ва ушбу ўлчамни асосий ўлчам сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ (10, 11-расмлар).



1) 5 mm гача 2) 5-10 mm гача  
3) 10-20 mm гача 4) 20 mm дан катталари

**10-расм. Майдалагич барабанини диаметрига боғлиқ ҳолда маккажўхори пояларини майдалаш даражасининг ўзгариши**



1) 5 mm гача 2) 5-10 mm гача  
3) 10-20 mm гача 4) 20 mm дан катталари

**11-расм. Майдалагич барабанини диаметрига боғлиқ ҳолда беда пояларини майдалаш даражасининг ўзгариши**

Майдалагич барабан пичоқлари сонини иш сифатига таъсирини тажрибавий тадқиқ этиш. Қурилмада майдалагич барабанга ўрнатилган пичоқлар сони 6 дона бўлганда 5 mm дан 10 mm гача бўлган фракциялаш миқдори ортиб, 20 mm гача ва 20 mm дан катта бўлган фракциялар миқдори камайди ва озукани керакли ўлчамда майдалаш билан бирга 8 дона пичоққа нисбатан металл сарфи ва таннарх камайиши аниқланди.

**Майдалагич барабандаги пичоқлар сонига боғлиқ ҳолда маккажўхори пояларини майдалаш даражасининг ўзгариши**

№	Майдаланган озуканинг фракциялар бўйича таркиби	Майдалагич барабандаги пичоқлар сони, дона			
		2	4	6	8
1	5 mm гача, %	24,9	38,6	54,4	54,9
2	5-10 mm гача, %	30,1	35,1	39,7	40,7
3	10-20 mm гача, %	24,4	19,7	5,4	4,2
4	20 mm дан катталари, %	20,6	6,6	0,5	0,2

**Майдалагич барабандаги пичоқлар сонига боғлиқ ҳолда беда пояларини майдалаш даражасининг ўзгариши**

№	Майдаланган озуканинг фракциялар бўйича таркиби	Майдалагич барабандаги пичоқлар сони, дона			
		2	4	6	8
1	5 mm гача, %	24,1	37,2	51,6	52,2
2	5-10 mm гача, %	28,9	34,7	38,6	39,4
3	10-20 mm гача, %	24,2	18,4	8,7	7,6
4	20 mm дан катталари, %	22,8	9,7	1,1	0,8

**Таъминлагич жўваларнинг айланишлар сонини иш сифатига таъсирини тажрибавий тадқиқ этиш.** Таъминлагич жўваларнинг айланишлар сони 100 r/min ва 175 r/min бўлганда майдаланган озуқаларнинг сифати яхшиланиб боради, лекин жўваларнинг айланишлар сони 100 r/min дан 150 r/min бўлганда қурилманинг иш унуми пасайиб кетиши аниқланди ва 175 r/min бўлганда иш унумди юқорироқ бўлганлиги учун ушбу айланишлар сони мақбул ҳисобланади.

**Кўзғалмас пичоқ ва пичоқ орасидаги тирқишнинг майдалаш сифатига таъсирини тадқиқ этиш.** Қурилмада кўк ҳолдаги маккажўхори ва беда пояларини белгиланган талаблар даражасида майдалаш учун таъминлагич жўва ва майдалагич пичоқ орасидаги тирқиш 1 mm дан 2 mm оралиғида бўлиши керак.

**Кўк ҳолдаги озуқаларни майдалаш қурилмаси барабанининг талаб этиладиган қувватини аниқлаш.** Кўк пояли озуқаларни майдалаш қурилмаси мақбул параметр ва иш режимларида ишлаганда уни майдалагич барабанининг айланишлар сони 750 r/min дан 1750 r/min гача оралиқда ўзгарганда майдалагич барабанининг талаб этадиган қуввати салт ҳолатида 0,2 kW дан 0,6 kW гача, иш ҳолатида 0,7 kW дан 1,63 kW гача ортиб бориши, мақбул иш режимида эса салт ишлаганда 0,4-0,5 kW, иш жараёнида 1,2-1,4 kW, таъминлагич жўвалар билан биргаликда 1,7-1,8 kW қувват талаб этиши маълум бўлди.

Диссертациянинг «**Кўк пояли озуқаларни майдалаш қурилмасининг синовлари ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш**» деб номланган бешинчи бобида кўк пояли озуқаларни майдалаш қурилмасининг асосий параметрлари ва техник тавсифи, хўжалик синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган.

Тавсия этилаётган параметрлар асосида ишлаб чиқилган майдалагич қурилмадан фойдаланганда мавжуд «Волгарь-5» майдалагичига нисбатан балиқларга озуқаларни юқори сифатда кам сарф-харажатлар билан қирқиб майдалаб бериш ҳисобига 3 450 964,6 сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

## **ХУЛОСА**

«Балиқчиликда кўк пояли озуқаларни қирқиб майдалаш қурилмаси параметрларини асослаш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Турли хил йўналишдаги хўжаликларда фойдаланилаётган майдалагич қурилмаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, балиқчилик ва шу сингари кам миқдорда майдаланган озуқа талаб этиладиган хўжаликлар учун кўк пояли озуқаларни майдалашда иш унуми кичикроқ, талаб этадиган қуввати кам кичик ўлчамли майдалагичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2. Кўк пояли озуқаларни майдалашда қўлланиладиган қурилмалар конструкциясининг таҳлиliga кўра, барабанли турдаги майдалаш аппарати тузилиши оддийлиги ва кўк пояли озуқаларни майдалаш учун кам энергия талаб этган ҳолда озуқани белгиланган ўлчамда бир хил узунликда қирқиб бериш имкониятига эга эканлиги маълум бўлди ва ишлаб чиқиладиган қурилма шу турдаги майдалаш аппарати билан жиҳозланиши керак.

3. Кўк ҳолдаги маккажўхори ва беда пояларини майдалашда уларнинг морфологик таркиби ва физик-механик хоссалари муҳим ҳисобланиб, маккажўхорининг 84,2 фоизини поялар, 14,7 фоизини барглар ва 1,1 фоизини рўвақлар, беданинг эса 34,8 фоизини поя, 25 фоизини шохлари ва 40,2 фоизини барглари ташкил этгани ҳолда, пояларнинг ўртача узунлиги мос равишда 179,8 см ва 72,7 см, диаметри эса қуйи қисмида ўртача 21,5 мм ва 2,6 мм, ўрта қисмида 17,6 мм ва 2,2 мм, учки қисмида 9,6 мм ва 1,2 мм га тенг бўлиб, қуйи қисмига нисбатан 2,0 мартадан кўпроққа фарқ қилиши маълум бўлди.

4. Майдаланадиган маккажўхори ва беда пояларининг ишқаланиш бурчаги мос равишда кўндаланг ҳаракатда ўртача  $29^{\circ}$  ва  $34^{\circ}$  ни, бўйлама ҳаракатда  $32^{\circ}$  ва  $36^{\circ}$  ни, пояларнинг зичлиги 135,2 ва 146,7  $\text{kg/m}^3$  ни, пояларни қирқиш кучи уларнинг қалинлигига боғлиқ ҳолда қуйи қисмда – 18,0 ва 3,2 N, ўрта қисмда – 14,3 ва 2,8 N ҳамда юқори қисмида – 11,5 ва 1,7 N га тенг бўлиб, пояларнинг қуйи қисмида қирқиш кучи ўрта ва юқори қисмига нисбатан 1,5-1,8 мартага катта бўлади.

5. Назарий тадқиқотларга кўра, майдаланадиган озуқаларни қурилмага ва унинг таъминлагич жўваларига қулай ва кам қаршилик билан узатиш учун унинг узатиш новининг узунлиги 65 см, новнинг олд қисми эни 40 см, таъминлагич жўваларга туташ қисми эни 20 см, новнинг қиялиги  $27^{\circ}$ , қурилманинг керакли иш унумини таъминлаш учун эса маккажўхори ва беда пояларининг зичлигига боғлиқ равишда таъминлагич жўваларнинг диаметри 6 см, қамраш бурчаги  $35-40^{\circ}$ , айланишлар сони эса 101-207  $\text{r/min}$  оралиғида бўлиши кераклиги маълум бўлди.

6. Кўк ҳолдаги озуқаларни майдалашда пичоқ тиғининг чархланиш бурчаги  $25^{\circ}$ , қалинлиги 3 мм, тиғ фаскасининг эни 7,1 мм, ўрнатилиш бурчаги  $15^{\circ}$  оралиғида бўлиши мақсадга мувофиқ бўлиб, поялар  $27^{\circ}$  қия ҳолда узатилганда таъминлагич жўваларнинг айланишлар сони 101-207  $\text{r/min}$  оралиғида, пичоқлар сони 4-6 дона оралиғида бўлганда кўпи билан 10 мм гача қирқиш узунлигини таъминлаш учун майдалагич барабаннинг айланишлар сони 1358  $\text{r/min}$  ва 1478  $\text{r/min}$  дан катта бўлиши керак.

7. Тажрибалар натижаларига кўра, таъминлагич жўваларнинг айланишлар сони 175  $\text{r/min}$ , майдалагич барабаннинг айланишлар сони 1500  $\text{r/min}$ , барабан диаметри 200 мм, барабандаги пичоқлар сони 6 дона, таъминлагич жўва ва майдалагич пичоқ орасидаги тирқиш 1-2 мм оралиғида бўлганда қурилманинг етарли иш унумида кўк ҳолдаги озуқаларнинг талаб даражасидаги майдаланишига эришилади ва қурилманинг талаб этадиган қуввати 1,7-1,8 kW оралиғида бўлади.

8. Ишлаб чиқилган майдалагичнинг кичик ўлчамлиги ундан балиқчилик хўжаликларида фойдаланиш қулайлиги билан бирга озуқаларни кам харажат билан сифатли майдалаш имконини бериб, ундан фойдаланишдаги иқтисодий самара 3 450 964,6 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**БОРОТОВ АТХАМ НУРМУХАММАДОВИЧ**

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ ИЗМЕЛЬЧАЮЩЕГО УСТРОЙСТВА  
ДЛЯ ПРИГОТОВЛЕНИЯ КОРМОВ В РЫБОВОДСТВЕ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины.  
Механизация сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.3.PhD/T1992.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: [www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)).

**Научный руководитель:**

**Астанакулов Комил Дуллиевич**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Маматов Фармон Муртазович**  
доктор технических наук, профессор

**Нуритов Икром Ражабович**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**АО «ВМКВ-Agromash»**

Защита диссертации состоится 18 сентября 2021 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.01 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 192). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz).

Автореферат диссертации разослан « 4 » сентября 2021 года  
(Протокол рассылки № 60 « 4 » сентября 2021 года)



**Б.С. Мирзаев**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**У.Т.Кузиев**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.ф.т.н., доцент

**А.А. Ахметов**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мире ведущее о занимает внедрение высокоэффективных и ресурсосберегающих технологий и технических средств для развития рыбоводства и укрепления ее кормовой базы. «Если учесть, что в мире выращиваются более 179,0 млн. т. рыб и море продуктов и из них 32 % составляют рыбы, выращенные в прудах»<sup>1</sup>, то внедрение машин и устройств, качественно измельчающий кормов, приготовляемых из зеленых трав для кормления рыб при их выращивание с целью малого содержания жира и ускорения роста и развития является актуальной. В этом аспекте, считается важным использование энерго-ресурсосберегающих измельчающих устройств с высокими качествами работы, применяемых для приготовления корма из зеленых трав измельчением.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических решений ресурсосберегающих технологий и технических средств для приготовления различных кормов с высоким эффектом для кормления рыб. В этом направлении, в частности, одной из важных задач является приготовление витаминных кормов из зеленых трав с целью обеспечения нормального роста и развития рыб, особенно, травоядных рыб, усовершенствование способов кормления рыб с дополнительными кормами с учетом естественных условий прудов и биологических характеристик рыб, а также предъявляемых требований к их кормам, разработка устройств, позволяющих предотвращение потери корма при их приготовление, создание технологий, повышающих продуктивность приготовляемых кормов для рыб. В этом аспекте особое внимание уделяется на разработку измельчающего устройства, осуществляющих измельчение зеленых трав в предъявляемом размере при приготовление витаминных кормов из зеленых трав и обоснование ее технологического процесса, параметров и режимов работы.

В Узбекистане проводятся широкомасштабные мероприятия по разработке высокоэффективных техники и технологий, позволяющих уменьшению затрат труда и материальных ресурсов, сбережению кормов при выращивание рыб. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы намечены задачи, в частности, «...дальнейшее модернизация и развитие сельского хозяйства, интенсивное развитие производства сельскохозяйственных продуктов, укрепление продовольственной безопасности, расширение производства экологически чистых продуктов страны, существенном уровне повысит экспортного потенциала аграрного сектора...»<sup>1</sup>. При реализации этих задач особое значение имеет создание модернизированной конструкции измельчителей с меньшей металлоемкостью и энергоемкостью, обеспечивающих качественное измельчение зеленых трав по предъявляемому размеру при приготовление дополнительного корма для рыб.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

---

<sup>1</sup><http://www.fao.org/faostat/#;>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

